Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
13 март,
жума
№ 11 (784)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Develop Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Гиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги "Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айни кунда ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизида жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Боғот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда "Ҳазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювиш воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таёқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

"Ҳазорасп" ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги "Global Food Impeks" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

"Global Food impeks" МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиариқда қурилаётган 10 гектарлик иссиқхонани эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав "Юсупов" навига ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қулайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб борилади. Куни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган махсус ўрамга экилади. Томчилатиб суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. "Global Food impeks" МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланиши мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озуқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрита олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шуғулланади.

— Қишлоқ хўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни кўпайтириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Янгиариқ туманидаги "Хоразм пилла холдинг" корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиариқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган "Хоразм пилла холдинг" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиғи ишлаб чиқарилади, 50 дона замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда "Хоразм ипаги", "Khiva silk fabric", "Urganch silworn pro" ва "Хоразм пилла холдинг" каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

"Хоразм пилла холдинг" корхонаси жорий йил охирига қадар "Afghan Bazar Garpets" хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан қўлда гилам тўқиш цехи очишни режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тутзорлар ташкил қилишдан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга асосан тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни кўпайтирамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

"Ичан қалъа"да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектидан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолий қисмида, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натижада ушбу иншоот "Ичан қалъа"даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳужра бўлиб, ички саҳн кошин билан қопланган. Шунингдек, 2 та гумбазли хона, қишки ва ёзги масжидлар, дарсхона бўлган.

Давлатимиз раҳбари "Ичан қалъа"да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар аждодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, — деди Президент. — Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Қўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт қайнайди.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматлараро ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, ички туризм ойлиги ва ҳафталиклари, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига киради. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортидан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Олий Мажлис Сенатининг 28 февраль куни бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ҳуқуқларини янада кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қизғин муҳокама қилинди.

Қонун моҳияти

Янги қонун

суд ишларини юритиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида", "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида", "Метрология тўғрисида" ва, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, сенаторлар бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши, суд иш юритувига ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ва низоларни судгача ҳал қилиш муддатлари мақбуллаштирилиши муносабати билан амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонунларни кўриб чиқдилар.

(Давоми 3-бетда) ▶

Муносабат

Давлат дастури ва суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларининг истиқболлари

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 2 март куни имзоланган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармон жамиятнинг барча соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимини ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан ғоят аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон – Россия: ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши мустаҳкамланмоқда

12 март куни Россия Федерацияси Тергов қўмитаси раиси Александр Бастрикин бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи бошланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Ҳар бир фуқаро учун осуда ва тинч ҳаётни таъминлаш

борасида барча зарурий чоралар кўрилади

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатлари "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" каби олижаноб ғоя асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юртдошимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллиард сўм тушумга эришилади.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг "Binary" университети филиалини, Урганч давлат университетида маданий меросни бошқариш, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лазгиси ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лазгига қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лазги академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросини дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер хўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та кўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ўндан ортиқ хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни "Fishing culture" марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчилигига бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида "Туристик маҳалла", "Туристик қишлоқ" концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ танлаб олиниб, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг ҳунармандлиги, агро ва этнотуризмини кўрсатиш мўлжалланаяпти.

Вилоятда тематик паркларни ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан кўплаб буюк аждодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси "Ичан қалъа"да ўрнатилади. Йил охиригача ўндан зиёд аждодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида "Анор", "Анжир", Янгиариқ туманида "Меннонит қишлоғи" тематик парклари барпо этилади. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

— Бизники сингари буюк тарих ер юзида жуда кам. Жалолиддин Мангубердидек буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни кўпайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обида эътиборсиз қолмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик масканлардан бирига айланиши лозимлигини таъкидлади. Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шароит билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда муқобили йўқ. Ушбу ўқув даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг "STEAM" дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратади.

2019-2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай масканларда кўплаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Жамиятимиз мақсади

Ҳар бир фуқаро учун осуда ва тинч ҳаётни таъминлаш

борасида барча зарурий чоралар кўрилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 декабрдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда, тизимда айрим муаммолар мавжуд эканини қайд этиш жоиз.

Жойларга чиқиб ўрганишлар натижалари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ички ишлар идоралари фаолияти бўйича олиб борган мониторинги шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти ва соғлиғи ҳамда мол-мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш борасида ҳали бир қатор муаммолар учрайди.

Статистик маълумотларга кўра, ўтган йили республикамизда 359 та қотиллик ва 952 та оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари қайд этилган.

Ушбу рақамлар бугунги кунда айрим ҳудудларда бу турдаги жиноятларни "жиловлаш" ишлари етарли даражада амалга оширилмаётганини кўрсатмоқда.

Ачинарли жиҳати шундаки, ушбу жиноятларнинг аксариятини ўз вақтида олдини олиш чоралари мавжуд бўлган бўлса-да, бунга жойлардаги мутасадди раҳбарлар — ҳокимлар, сектор раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла раислари етарли эътибор қаратмаган.

Бундан ташқари деярли ҳар иккинчи қотиллик ва ҳар бешинчи оғир тан жароҳати етказиш жинояти ўз вақтида ҳал этилмаган оилавий низолар, қариндошлар ўртасидаги ечимини топмаган зиддиятлар сабабли содир этилган.

Ўтган йил 2 сентябрда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингани оилавий келишмовчиликлар ва турли зиддиятлар оқибатида жабр кўраётган хотин-қизларни ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни давлат ҳимоясига олиш, уларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга қонунда белгиланган таъсир чораларини қўллаб, адолатни қарор топтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш эди. Бироқ ушбу қонун ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича муаммолар ҳам йўқ эмас.

Шунинг учун бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар устидан Сенат қўмиталарининг назоратини ўрнатиш ва унинг доимий мониторингини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ўтган йили давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида муаммоли хотин-қизлар билан ишлаш ва шу орқали улар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ташаббусини илгари сурган эди.

Албатта, вилоятдаги барча давлат идоралари ва жамоатчилик ушбу ишларга ҳамжиҳатлик билан ёндашганлиги сабабли аёллар жиноятчилиги сезиларли даражада камайиши учун замин яратилди.

Эътибор беринг, Бухоро вилоятида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сони деярли икки баробарга, яъни 487 тадан 277 тага камайди.

Лекин бундай тадбирлар тизимли равишда республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилмоқда, дея олмаймиз.

Шунинг учун бу борада Ички ишлар вазирлиги асосий ташаббускор бўлиб, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида комплекс ишларни амалга ошириш бўйича тегишли чораларни кўриши керак.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида барчамизнинг олдимизга ёшларни тарбиялаш ва уларга ҳаётда тўғри йўл топишига кўмаклашиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб бердилар.

Ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар бор, хусусан, ўтган йили республикамизда қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят ёшлар томонидан содир этилган.

Мазкур жиноятларнинг аксарияти мўмай даромад топиш каби ғайриижтимоий хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар сабабли содир этилган. Яъни ёшлар қўл урган жиноятларнинг 21 фоизини ўғирлик ва фирибгарликлар ташкил этган.

Яна бир муҳим масала —инсон ўлими билан якунланаётган йўл-транспорт ҳодисаларидир. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда йўл транспорт ходисалари йилдан йилга камайишига эришилаётган бўлса-да, ўлим билан боғлиқ йўл транспорт ходисалари ҳамон кўплигича қолмоқда.

2019 йилда республика ҳудудида 1940 та ўлим билан боғлиқ йўл транспорт ходисалари содир бўлган бўлса, уларда 2096 нафар фуқаро қурбон бўлган.

Бундан ташқари 10 мингдан ортиқ инсон, шундан 1340 нафари болалар йўлларимизда ҳаракатланиш учун хавфсиз шароит яратилмаганлиги оқибатида жабр кўрган.

Эътироф этиш керакки, бу борада ички ишлар идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида бир неча йиллардан буён йиғилиб қолган муаммолар мавжудлиги сабабли, ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самараси аниқ ва равшан сезилмаяпти.

Шунинг учун келгусида ҳам Ички ишлар вазирлигининг фаолиятини йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида тизимли ислоҳотларни давом эттириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали йўлларда хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш — кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала.

Албатта, вазирлик тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бунинг ижобий натижасини, аввало, халқимизда ички ишлар идораларига нисбатан ишонч ортиб бораётганлигида, мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудлари жиноятчиликдан холи ҳудудларга айланиб бораётганлигида кўриш мумкин. Бундан буён эса, жиноятчиликни "жиловлаш", ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир фуқаро учун осуда ва тинч ҳаётни таъминлаш борасида барча зарурий чоралар кўрилади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Ўзбекистон — Россия: ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши мустаҳкамланмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ташриф дастурига кўра, даставвал делегация аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида меҳмонларга Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

Мартабали меҳмон ҳам ўз навбатида Россия Тергов қўмитасининг бугунги кундаги фаолияти, халқаро алоқаларнинг жорий аҳволи, Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларга оид режалари ҳақида сўзлади.

— Биринчидан, Тошкентнинг ажойиб, бетакрор об-ҳавосидан ҳайратда эканимни таъкидлашни хоҳлардим, — деди А.Бастрикин. — Серқуёш Ўзбекистонда баҳор айни авжига чиқибди. Мен сўзимни бежиз об-ҳаводан бошламадим. Зеро, айнан мана шундай гўзал иқлим бизга ижобий, кўтаринки ва дўстона кайфият бағишлаб, томонларни самарали мулоқотга руҳлантиради. Олдимизда муҳим вазифалар турибди. Муносабатларни такомиллаштириб, ҳамкорликни мустаҳкамлаб, муҳим келишувларга эришишимиз зарур. Қонун устуворлиги, жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа муҳим йўналишларда ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш ниятидамиз.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Тергов қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик профессионал алоқаларни йўлга қўйиш ва шартномавий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш орқали изчиллик билан ривожланаётганини таъкидлади.

Томонлар ўзаро манфаатли кенг қамровли масалаларни муҳокама қилди ва идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Тергов қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик Дастури имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳуқуқий соҳада ахборот ва илғор тажриба алмашиш орқали икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов ва Александр Бастрикин ўртасидаги учрашув давомида томонлар жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги икки томонлама муносабатлар борасида фикр алмашди.

Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва айбланувчи шахслар экстрадициясига оид ишларда ўзаро ҳамкорликнинг ижобий динамикаси эътироф этилди.

Республика ички ишлар органлари тизими комплекс ислоҳ қилинаётгани, жумладан, ИИВ Тергов бош бошқармаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментига айлантирилгани айтилди. Жиноятларни ўз вақтида фош этиш, терговни ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб бориш, шунингдек, жойлардаги тергов бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Тергов департаментининг асосий вазифалари сирасига кириши таъкидланди.

Ёшлар ва хотин-қизлар билан боғлиқ масалаларга эътибор кучайтирилгани, ҳар бир шаҳар ва туман ички ишлар бўлимида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилгани қайд этилди.

Терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ички ишлар вазирликларининг тезкор-қидирув фаолият жабҳасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, икки томонлама мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ходимлари учун Россия Тергов қўмитаси олий таълим муассасалари негизида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳамда Россия Федерацияси Тергов қўмитаси Академияси ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Учрашув ишчанлик руҳида, очиқ мулоқот шаклида ўтди.

Шу куни Россия Тергов қўмитаси раҳбари бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам бўлиб, Олий суд раиси Козимжон Комилов билан учрашди.

Мулоқот давомида меҳмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, мамлакатда қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат.

Учрашув доирасида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзаро мулоқотлар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида шаклланган сермаҳсул алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам экани қайд этилди.

Россия Федерацияси Тергов қўмитаси раиси Александр Бастрикин бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Сабоқ

Йўл ҳаракати

Йўлларда хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи сифатида ҳаракатланаётганда амалдаги қоидаларга қатъий риоя этишимиз, масъулият ва ҳушёрликни унутмаслигимиз ҳар биримизнинг ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Серқатнов йўл эса, тасодифлардан холи эмас. Афсуски, кўпинча ҳайдовчининг эътиборсизлиги ёки Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этмаслиги оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар учраб туради. Шу ўринда рақамлар асосида мухтасар таҳлил қилсак, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси шу йилнинг биринчи кунидан 18 февралга қадар рўй берган транспорт ҳодисалари бўйича маълумот беришича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан содир этилган ҳодисалар сони 10,5 фоизга ёки 656 тадан 587 тага, уларда вафот этганлар сони 16,1 фоизга ёки 168 нафардан 141 нафарга, тан жароҳати олганлар сони 4,2 фоизга ёки 597 нафардан 572 нафарга камайишига эришилган. Юқоридаги кўрсаткичлар ўтган йилгидан пасайган бўлса-да, бироқ йўл транспорт ҳодисаларининг юқорилиги барибир ташвишлидир.

Мисол учун ўтган йилнинг 3 сентябрь куни эрталаб соат еттию йигирмаларда Жомбой туман Деҳқонобод маҳалласи ҳудудида жуда аянчли автотранспорт ҳодисаси рўй берди. Судланувчи Абдикомил Сирожев (исм-шарифлар ўзгартирилди) синглиси М.Сирожевага тегишли, техник жиҳатдан соз ҳолатдаги "MAN" русумли автомашинани "Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйича бошқариб келиб, олдинда ўзи билан бир йўналишда йўлнинг иккинчи қисмида ҳаракатланиб кетаётган А.Ваҳобов бошқарувидаги "IZUZU" автобусининг орқа чап қисмига бориб урилган. Оқибатда ҳайдовчи бошқарувни бир зумда йўқотади ва автобус йўлнинг ўнг томон четки қисмига ағдарилиб кетади.

Ҳодиса оқибатида автобус салонида бўлган Т.Очилов воқеа жойида вафот этади. 32 нафар йўловчи эса, турли даражадаги тан жароҳати олади.

Бу каби кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келинганда, табиийки, оқибат ҳақида гап очилади. Ҳақиқатан ҳам, ана шу транспорт ҳодисаси оқибатида эндигина қирқ ёшга қадам қўяётган бир оила бошлиғининг ҳаёти бевақт хазон бўлди. Унинг оиласи, фарзандлари тузатиб бўлмас оғир йўқотишга рўбару келишди. Бунинг устига яна ўттиз икки нафар фуқаронинг ҳаёти хавф остида қолгани, улар турли даражада тан жароҳати олишгани ҳам ташвишли, ҳам ачинарли ҳолат, албатта.

Хўш, ушбу йўл-транспорт ҳодисаси қандай келиб чиққан? Ушбу фалокатли ҳолат содир бўлмаслиги ҳам мумкин эдими? Келгусида бу ҳол қайта такрорланмаслиги учун нима қилиш керак?

Маълум бўлишича, Сурхондарё вилоятининг Узун туманида 1970 йилда туғилган А.Сирожев синглиси М.Сирожевага тегишли юк автомашинасини зарурий ҳужжатлари бўлган ҳолда бошқариб келган. 2019 йилнинг 1 сентябрь куни ун сотиб олиш мақсадида автомашина билан у Тошкент шаҳрига қараб йўлга чиққан. Эртаси куни кеч соат йигирма иккиларда пойтахтдаги ун заводидан шартнома асосида 7 тонна ун, 8 тонна кепак олиб, ортига қайтган. Автомашинага белгиланганидан 7 тонна ортиқча юк ортилганди.

Фожиа рўй бериш арафасида "MAN" автомашинаси билан "IZUZU" автобусининг оралиқ масофаси 25 метрни ташкил қилган. Худди шу пайт автобус йўлнинг ўнг томонида кўчада турган йўловчиларни олиш мақсадида тўхтаган. А.Сирожев оғир юк борлиги сабаб автомашинани тўхтата олмаслигига кўзи етиб, автобуснинг чап томонидан ўтиб кетишни ўйлаган. Тормозни босмасдан автомашинани чап томонга олиб, ҳаракатланиб борган. Лекин у юк автомашинасини тўлиғича чапга ололмаган. Оқибатда бошқарувдаги юк автомашинасининг ўнг томон олди ва ён қисми автобуснинг орқа чап томонига бориб урилган. Шундан сўнг автобус йўлнинг четига ағдарилиб кетган.

Яъни судланувчи С.Сирожев Йўл ҳаракати қоидаларининг 73 ва 77-банди талабларига риоя этмаганлиги оқибатида юқоридаги нохуш ҳолат юзага келган.

Судда судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари эшитилди. Жиноят иши ҳужжатлари таҳлил қилинди.

Қонун моҳияти

Янги қонун

суд ишларини юритиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилинган "Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, 2020 йил 11 мартда матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонун билан амалдаги "Судлар тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Президентимиз томонидан 2019 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда "Судлар тўғрисида"ги қонунга суд раислари ваколатидан ишларни тақсимлаш билан боғлиқ нормаларни чиқариб, ишлар судьяларга фақат автоматик равишда тақсимланишини белгиловчи ўзгартишлар киритиш белгиланганди.

Шуни қайд этиш лозимки, муайян ишни кўриш учун суд таркиби автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилиши ҳақидаги қоидалар 2018 йилда қабул қилинган Иқтисодий процессуал, Фуқаролик процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу тартиб жорий этилганидан буён судларга келиб тушаётган даъво аризалари, фуқаролик, жиноят ишлари, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳамда материаллар автоматик тарзда дастурий таъминот орқали судьялар ўртасида тақсимланмоқда.

Айни пайтда "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддасида ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ваколати ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу қонуннинг 27-моддасида эса, Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун судлов таркибларини шакллантириш судлов ҳайъатлари раисларининг ваколати ҳисобланиши ҳақидаги нормалар мавжуд. Бу ўз навбатида, судларда ишларни электрон тизимдан фойдаланган ҳолда инсон аралашувисиз, автоматик равишда тақсимлаш тартибини амалиётга тўлиқ жорий этиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Янги қонун билан **судлов ҳайъатлари раисларининг ҳамда судлар раисларининг ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш ваколати бекор қилинмоқда.**

Бунинг ўрнига "Судлар тўғрисида"ги қонунда судларда ишларнинг тасодифий тақсимлаш принципи асосида автоматик равишда тақсимланишини назарда тутувчи қоида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Қолаверса, қонун ушбу автоматик тақсимотнинг асосий жиҳатларини назарда тутувчи 69¹-модда билан тўлдирилмоқда.

Судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартибини белгилаш ваколати эса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига берилмоқда.

Янги қонун билан амалга жорий этилаётган бу ўзгартиш ва қўшимчалар судда иш юритувини соддалаштириш, суд муҳокамасининг натижасига манфаатдор шахслар таъсир кўрсатишининг олдини олиш, судлар томонидан асослантирилган ва адолатли қарорлар қабул қилишга хизмат қилади, албатта.

Бундан ташқари "Судлар тўғрисида"ги қонунга киритилган 69¹-модда қоидаларига мувофиқлаштирилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг **17-моддасида**, Иқтисодий процессуал кодексининг **5** ва **17-моддаларида** ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг **18-моддасида** ҳам суд таркибини шакллантиришда автоматик тарзда ишларни тақсимлаш модули дастурий таъминотидан фойдаланиш лозимлиги қатъий белгиланмоқда.

Ўз навбатида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига киритилган ўзгартиш судгача низоларни ҳал этишни янада соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкорлик билан ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилган.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома ёки қонунчиликда даъво аризаси билан судга мурожаат қилишдан олдин низони судгача ҳал қилиш шарт эканидан иборат қоида белгиланиши мумкин.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари шартнома тузишда эркиндирлар ва шартномада қонунга зид бўлмаган қоидаларни мустақил равишда ўз хоҳишларига кўра белгилайдилар.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш ё талабнома юбориш тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан, яъни жавобгарга олдиндан талабнома юборгандан сўнг судда иш қўзғатиш мумкин.

Агар қонун ёки шартномада белгиланганига қарамай, тарафлардан бири низони судгача ҳал қилмасдан, судга тўғридан-тўғри даъво аризаси киритган бўлса, суд томонидан даъво аризаси қайтарилади. Низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаганлиги ишни судда кўришга давомида аниқланса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида белгиланган ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект томонидан талабномани кўриб чиқишнинг **бир ойлик** муддати **ўн беш кун** қилиб ўзгартирилди.

Янги қонун билан ўзгартиш ва қўшимча киритилаётган кейинги ҳужжат — бу **Иқтисодий процессуал кодексдир.** Хусусан, ушбу кодекснинг 5-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, суд ҳужжатлари ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат тарзида шакллантирилади.

Мазкур имкониятнинг яратилиши суд қарорларини сифатли тайёрлаш, вақтни тежаш ва суд иштирокчиларининг ҳужжатлар билан танишишга бўлган ҳуқуқи тезкорлик билан таъминланишига хизмат қилади.

Айтиш керакки, 2020 йилнинг январь ойига қадар иқтисодий судларнинг биринчи инстанциясида қабул қилинган 150 мингдан ортиқ, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида қабул қилинган 2 мингдан ортиқ якуний суд ҳужжатлари Олий суднинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган.

Бу тажриба чет эл амалиётида ҳам кенг жорий этилган. Хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина каби давлатларнинг қонунчилигида ҳам суд ҳужжатларини суднинг расмий веб-сайтига жойлаштиришга оид нормалар мавжуд.

Мазкур қонун билан амалга жорий этилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, даъвогар — солиқ тўловчи даъво аризаси ва илова ҳужжатлари нусхасини судга тақдим этишдан олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали бошқа солиқ тўловчилар — жавобгар ва учинчи шахсларга юбориш ҳамда ҳужжатлар юборилганини тасдиқловчи маълумотни кейинчалик судга тақдим этиш учун ахборот тизими орқали юклаб олиш имконияти яратилмоқда.

Солиқ кодексининг 56-моддасига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ахборот ресурси солиқ тўловчининг шахсий кабинети ҳисобланади. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўз ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини электрон тарзда амалга ошириши учун фойдаланилади.

Даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга юборишда ушбу ахборот ресурсидан фойдаланиш иқтисодий суд ишлари иштирокчилари бўлган тадбиркорлик субъектларига ўзига хос қулайлик ва ишончли ахборот алмашиш муҳитини яратади.

Шунга кўра, **Солиқ кодексининг** 56-моддаси ҳам даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга электрон тарзда тақдим этишнинг аниқ механизмини белгилаб берадиган янги жумла билан тўлдирилди.

Қонунчилигимизда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддатининг аниқ белгиланмагани бундай ажрим чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланиши белгиланган процессуал муддатларни ҳисоблашда ноаниқлик ва тушунмовчиликларни юзага келтираётган эди.

Амалиётдаги ана шу ҳолат эътиборга олиниб, янги қонун билан Иқтисодий процессуал кодексининг 162 ва 163-моддаларида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати аниқ белгилаб қўйилди.

Яъни ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримни даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан 5 кундан кечиктирмай, судгача мажлис ўтказилган ҳолларда эса, даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмай чиқариш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, бунда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатларни бажариш муддати чиқариб ташланади.

Хулоса ўрнида айтганда, янги қонун суд иш юритувида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Энахон СИДДИҚОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси аъзоси

Муносабат

Давлат дастури ва суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларининг истиқболлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламасдан туриб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун биринчи навбатда, бу борадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан, Давлат дастурида 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги каби идоралар зимасига "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлаш юклатилган. Мазкур қонун лойиҳасида:

судлар раисларининг судьялар фаолиятини баҳолаш, уларга нисбатан интизомий иш қўзғатишдаги иштирокини қайта кўриб чиқиш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш механизмини такомиллаштириш;

судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш асослари ва тартибини халқаро стандартларга мослаштириш;

судьяларнинг мақомини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва истеъфодаги судьянинг ҳуқуқий мақомини белгилаш;

судьяларни ротация қилишнинг аниқ ва шаффоф механизмини жорий этиш;

судлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш;

суд мустақиллигига дахл қилиш боғлиқ ҳар қандай ҳолат юзасидан судья томонидан бевосита ва тезкор хабар бериш имкониятини кўзда тутувчи тизим яратиш;

ушбу масалаларни қонунности ҳужжатлар билан тартибга солиш тартибини бекор қилиш назарда тутилиши белгиланган.

Қайд этиш лозимки, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонун ана шу масалаларни тартибга солиш нуқтаи назаридан такомиллаштиришга муҳтож эди.

Шунингдек, эндиликда қонунчилигимиз учун муҳим янгилик "истеъфодаги судья" тушунчасини жорий этиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш кўзда тутилмоқда. Фикримизча, судьяга истеъфо эълон қилиш ҳуқуқини бериш ва истеъфодаги судья судьянинг барча ҳуқуқларидан, шу жумладан, дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши тартибини белгилаш суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 67-моддасига мувофиқ, судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш судьялар мустақиллигининг асосий кафолатларидан биридир. Бинобарин, судьяларни юқори даражада моддий ва ижтимоий таъминлаш заруриятн мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур Фармоннинг энг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири ушбу Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурида судьяларнинг моддий-техник шароитларини яхшилаш ва судьялар фаолиятининг ижтимоий кафолатларини кучайтириш борасида аниқ вазифларнинг белгиланганидир.

Хусусан, 2020 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Молия вазирлигига 2021 йилдан судьялар ва суд ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган. Бунинг учун:

бюджетда алоҳида сатр ажратиш;

судьялар ва суд ходимларининг иш ҳақини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормаларини қайта кўриб чиқиш ва халқаро стандартларга мослаштириш;

янги қурилиши режалаштирилаётган суд биноларини илғор халқаро тажриба асосида лойиҳалаштириш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича дастурни тасдиқлаш;

судьяларни қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган хизмат уй-жойи олиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар рўйхатига киритиш;

судлар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган манзилли чора-тадбирларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат дастурида, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш ваколатини жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш кўзда тутилган.

Хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Япония, Жанубий Корея қонунчилиги ўрганилганда, маъмурий судлар томонидан фақат давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар, яъни фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларга оид ишлар кўрилиши аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, маъмурий судлар оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлардан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳам кўриб чиқади.

Бу эса, маъмурий судларда иш ҳажмининг кескин ошишига олиб келмоқда. Қолаверса, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли айни соҳада Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши судлардаги иш ҳажмини мақбуллаштиришга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Дилшод ТАДЖИБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Жиноятга жазо муқаррар

Надомат

ёхуд йўргак кўрмаган чақалоқ

Ўтган йилнинг айни кўкламида Косон тумани ҳудуди бўйлаб оқаётган Пўлоти катта ариғи атрофидан ўз юмушлари билан ўтиб-қайтаётган одамлар дастлаб узоқдан оқиб келаётган жасадни пайқамадилар.

— Чақалоқ оқиб келаяптими? — деди кимдир кутилмаганда. Шу заҳотиёқ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига хабар берилди.

Суд тиббий-экспертиза хулосасига кўра, воқеа шу кеча-кундузда содир этилган. Ўғил бола жинсли чақалоқ ариққа ташлаб юборилган экан.

Аммо қотил ким? У нега бундай машъум фожиага қўл урди?

Орадан кўп ўтмай бу саволларга жавоб топилди. Воқеа қуйидагича рўй берган.

Мадина (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳаётга енгил-елпи қараши туфайли тўғри йўлдан адашди. У Қарши шаҳридаги корхоналардан бирида ишлар экан, тасодифан Шавкат исмли йигит билан танишиб қолди. Бу танишув уларни аста-секин бир-бирига яқинлаштирди.

Улар ўз эҳтиросларини жиловлай олмаганлиги оқибатида орадан икки ой ўтгач, Мадина ўзининг ҳомиладор эканини сезиб қолди. Шундан сўнг Шавкат аввалига тез орада уйланишига Мадинани ишонтириб, унга қоп-қоп ваъдалар берди. Кейинчалик, аниқроғи, Мадинанинг ой-куни яқинлашгач, қорасини ҳам кўрсатмай қўйди...

(Давоми 4-бетда) ▶

Айниқса, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Самарқанд вилоят бўлими директори F.Мансуровнинг гувоҳлик кўрсатмаси воқеага тўлиқ ойдинлик киритди. F.Мансуров судга оид автотехника ҳисоблаш экспертизаси ўтказган. Экспертиза ўтказиш жараёнида автобуснинг орқа томонидан 60 километр соатига тезликда ҳаракатланиб келаётган юк автомашинаси оралиқ масофаси ўн метрни ташкил қилган. Бу тезликда "MAN"ни тўлиқ тўхтатиш учун 28-29 метр масофа керак бўлади. "IZUZU" автобуси ўнг томонга тўхташга ҳақли. Бундай ҳолатларда биринчи йўналишда олдинда ҳаракатланиб келаётган автомашина орқада ҳаракатланиб келаётган транспорт воситасига эътибор қаратиши шарт эмас.

Суд амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 95-моддаси талаблари асосида юқоридаги далилларни таҳлил қилиб, уларга тўла ва холисона баҳо берди. Судланувчи А.Сирожевнинг транспорт воситасини Йўл ҳаракати қоидаларининг талабларини қўпол равишда бузиб бошқариши оқибатида фуқароларнинг ўта оғир ва бошқа турдаги тан жароҳатлари олишига, фуқаро Т.Очиловнинг ўлимига сабабчи бўлишида ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри малакаланган деб топди.

Суд судланувчи А.Сирожевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда Олий суд Пленумининг 2015 йил 26 июндаги "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори раҳбарий кўрсатмаларига таянди. Судланувчининг шахсини, содир этган жиноий қилмишига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчиларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни қопламаганлиги, дафн маросими ҳамда бошқа маъракаларига моддий ёрдам бермаганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлган жазо тайинлаш ҳақидаги кўрсатмаларини инобатга олди. Т.Очилов суд залидан қамоққа олинди.

Судланувчи А.Сирожев Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди. У уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Суд ҳукми билан А.Сирожевга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазони манзил колонияларида ўташ белгиланди.

Суд ҳукмида судланувчи А.Сирожевдан "Булунғур Сардор транс" масъулияти чекланган жамияти фойдасига — етказилган 41 миллион 498 минг 537 сўм ундирилиши қайд этилди. Судланувчи томонидан Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига гаровга қўйилган 5 миллион сўм ундирилиши белгиланган 41 миллион 498 минг 537 сўмни қоплашга қаратилди. Жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича зарар суммаси миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаган ҳолда фуқаровий даъво қўзғатиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Қисқаси, содир этилган жиноятга жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Хулоса шуки, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамиша қатъий риоя қилиш шарт. Зеро, бу қоидалар ҳаётимиз ва хавфсизлигимиз кафолати эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Мамаюсуф ШЕРЙИГИТОВ,
жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Қонун кўмаги

Меҳнат муносабатлари

ҳар қандай вазиятда қонун билан тартибга солинади

Маълумки, Конституциямизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши кафолатланган. Шунга кўра, бу ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Ана шу конституциявий ҳуқуқлар қаторига меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш каби ҳуқуқлари киради.

Меҳнат кодекси, шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларда ишга қабул қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Айтиш керакки, иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган меҳнатга оид низолар ходимларнинг вакиллик органи — касаба уюшмалари ёхуд фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади ҳамда қонун доирасида ҳал этилади.

Ўтган йилнинг ноябрь ойи ниҳоялаб, декабрь ойи бошланаётганди. Таълим ташкилоти ҳисобчиси Юлдузга (исм-шарифлар ўзгартирилган) мудира уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқаргани, шунинг учун таълим ташкилоти ва унинг ўртасидаги ҳисоб-китобларни қилаётганлигини айтди. Унинг гаплари рост экан, кўп ўтмай унга охирги иш ҳақлари тўланиб, у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди.

Кутилмаганда рўй берган воқеалардан Ю.Диёрова гангиб қолди. Ахир, у бундан атиги бир йил аввал, аниқроғи, 2018 йилнинг 1 ноябрида тарбиячи сифатида ишга қабул қилинганди.

Ночор қолган Юлдуз ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, Каттақўрғон шаҳар адлия бўлими эшигини қоқишга мажбур бўлди. Адлия бўлими унинг мурожаатини жойида ўрганиб чиқди.

Маълум бўлишича, Ю.Диёрова Каттақўрғон шаҳар 18-мактабгача таълим муассасасида тарбиячи лавозимида ишлаб келган. Таълим ташкилотининг 2019 йил 25 ноябрдаги 89-сонли буйруғига асосан, у билан тузилган меҳнат шартномаси амалдаги Меҳнат кодексининг 106-моддаси 1-қисми 4-банди асосида иш берувчи томонидан бекор қилинган.

Бироқ иш берувчи томонидан Ю.Диёрова меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида аввалдан огоҳлантирилмаган. Унга буйруқ нусхаси вақтида тақдим этилмаган. Ҳатто меҳнат дафтарчаси қайтариб берилмаган. Ю.Диёровани ишдан бўшатиш масаласи касаба уюшмаси томонидан муҳокама этилмаган. Ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ буйруқлар китобига қайд қилинмаган.

Шаҳар адлия бўлими судга Ю.Диёровани манфаатини кўзлаб, даъво аризаси киритди. Унда мактабгача таълим муассасасининг 89-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиб, Ю.Диёровани тарбиячи вазифасига ишга тиклашни сўради.

Суд мажлисида манфаатдор Ю.Диёрова, шунингдек, жавобгар вакили ва касаба уюшма раиси ҳамда бошқаларнинг тушунтириш беришича, ходимни ишдан бўшатиш касаба уюшмаси томонидан муҳокама қилинмаган. Ажабланарли томони шундаки, бу буйруқдан таълим ташкилоти ходимларининг хабарлари ҳам бўлмаган.

Энди қонун талабларига тўхталадиган бўлсак, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

Кодекснинг 101-моддаси талабига кўра, касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан туриб, меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас.

Юқорида баён этилган ҳолатда иш берувчи томонидан ушбу кодекснинг 18-моддаси талабларига ҳам риоя қилинмаган. Чунки меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилингани ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши лозим эди.

Суд Каттақўрғон шаҳар адлия бўлимининг Ю.Диёрова манфаатини кўзлаб, жавобгарга нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиш ва ишга тиклаш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди.

Ю.Диёрова ўзи ишлаб келган таълим ташкилотига тарбиячи вазифасига ишга тикланди. Мактабгача таълим ташкилотидан давлат фойдасига 892 минг сўм давлат божи ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, ишдан бўшатиш иш берувчининг кўнгил хоҳишини белгилайдиган, ходимга нисбатан шахсий муносабатини кўрсатадиган "мезон" эмас, балки қонуний асосга эга бўлиши қатъий талаб қилинадиган ижтимоий ҳодисадир. Шу боис ҳар бир фуқаронинг меҳнат ҳуқуқи суд тартибида қонун йўли билан ҳимоя қилинишини унутмаслик лозим.

Шерзод ТОШПЎЛАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси

Бугун орамиздан чин дунёга риҳлат қилган Азим ака билан ғойибона — ашъорлари орқали қарийб қирқ йил, бевосита йигирма йилга яқин ҳамсуҳбат бўлганимни, у кишидаги соддалик ва чўнг самимиятни, одамларга бўлган чексиз меҳрни эслаб ўтирибман. Азим аканинг улкан эҳтирос ила, кўксини тўлдириб, "Э-эҳ-е, шундайми-ей-а! Воҳ-воҳ!", демиш, фақат ўзигагина ярашиқли ҳайқириғи қулоғим тагида жаранглагандай бўлади.

Хотира

Азим Суюн энди шеърларида яшайди!

Ҳа, Азим ака ҳамма нарсага катта ҳайрат билан қарар, ҳамма нарсадан ҳикмат туя билар эди. Унинг барча ҳайратлари шеърларига кўчган эди. Ана шу меҳрга қоришиқ ҳайратлари у кишининг бутун ҳаётини безади, ҳам ана шу ҳайратлари боис элига ажойиб ва ғаройиб маънавий туҳфа қолдириб кетди.

Азим аканинг "Ўзбекистон" достони ёки "Ватан" номли шеърини ўқиганлар у кишининг юртга, Ватанга бўлган ўзгача меҳрини ҳис қилади:

Оҳ-оҳ, айланайин бўйингдан ўзим,
Юзим ўзингдирсан, ўзингсан кўзим.
Сенга қўшиқларим кўп эрур менинг.
Ўлсам, қучоғингда ўлурман сенинг!
Ватан! Онт ичмайман, қасам ичмайман,
Лекин икки дунё сендан кечмайман!...

Азим аканинг яна бир ўзига хос жиҳати шунда эдики, бирон марта бўлсин бошқалар ҳақида ёмон фикр билдирган ёки кимдандир ёзғирганлигини кўрмаганман, эшитмаганман. Мабодо даврада феълига хуш келмайдиган гап айтилса, бургут қараш қилиб-ҳурпайиб қўяр, сўнг бир муддат жим бўлиб қолар эди.

Ҳа, Азим ака бургут монанд яшаб ўтди, дунёнинг ишларига жуда баланд нуқтадан туриб қарай билди, оқибат оддий майсадан ёхуд сувга чўкиб ётган тошдан-да ҳикмат топа билди.

Раҳматли кўнгил одами эди, китоблари чоп этилгани заҳотиёқ каминага ҳам албатта, инжа дастхати ила илинар, бирон шеърини ёддан ўқиб, зўр ёзибсиз деган эътирофимиздан бир олам завқланарди.

Ҳамсуҳбат бўлганлар билади, у киши тоғдай одам эди. У кишидан ўша ўзи васф этган — андиз ўсган тоғлар нафаси, қирларнинг мусаффо ҳавоси уфуриб турарди. Мен у киши билан бир заминда туғилганим, ҳамсуҳбат бўлганим, шеърларини ўзидан эшитиш бахтига муяссар бўлганим, бир даврда яшаганимдан фахрланаман.

Шоир Азим Суюн энди шеърларида, шеърлари билан яқинлари, дўстлари ва мухлислари қалбида яшайди.

Эй дўст!
Тақдир қилмас ҳеч кимсага фитна-ўйин,
Банда борки, қисматига эгар — бўйин.
Келмоқнинг бир кетмоғи бор — дунё шудир,
Шеърларида яшар энди Азим Суюн.

Холмўмин ЁДГОРОВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзуидаги анжуманда пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш оқибатида қўшхотинлик ҳолати кўпайиб бораётгани, шаръий никоҳдан туғилган фарзандлар давлат қонунлари бўйича кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолиши, хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида муаммоларга дуч келиши, энг ачинарлиси, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етиши, улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этолмаслигини куюниб гапирганди.

Жиноят ва жазо

«Ҳожатбарор» мулла

ҳам ҳуқуқбузарликка, ҳам жиноятга қўл урди

Аммо ҳали-ҳануз жойларда амалдаги қонунлар талабига бўйсунмай шаръий никоҳ ўқиётган муллалар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Масалан, Фарғона туманида яшовчи Давронбек Саидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам таниши Эргашали Ҳакимовнинг илтимосига кўра, ҳуқуқбузарликка қўл урди. Гап шундаки, Д.Саидов махсус диний маълумотсиз, қолаверса, бирор-бир диний ташкилот аъзоси бўлмаган ҳолда 2020 йил 30 январь куни 66 ёшли Эргашали ака билан 29 ёшли Сабоҳат Нуралиевани шаръий асосда никоҳлаб қўйган. Бироқ кўп ўтмай, бу ҳуқуқбузарлик ҳудуд профилактика инспектори Илёс Мамажонов томонидан аниқланган. Шу боис инспектор тегишли маъмурий баённомани расмийлаштирган. Лекин...

Лекин Давронбек ака ўз айбини тан олиш ўрнига жавобгарликдан қутулиш чорасини излай бошлайди. Бинобарин, у ушбу ҳолат юзасидан қонуний чора кўрмаслик ҳамда тўпланган ҳужжатларни судга тақдим этмаслик эвазига профилактика инспектори И.Мамажоновга 1 миллион сўм миқдорида пора таклиф қилади. Аммо қонун ҳимоячиси унинг жиноий таклифига рози бўлмайди. Аксинча, Фарғона вилоят ИИБ раҳбариятига билдирги билан мурожаат қилади. Натижада вилоят ИИБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Д.Саидов инспекторнинг хизмат хонасида пора бераётган чоғида далилий ашё билан қўлга олинади. Шу боис Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қувасой шаҳар бўлими томонидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади. Албатта, "қаҳрамон"имиз энди айни жинояти учун ҳам қонун олдида жавоб беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддаси 2-қисмида "Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шунинг учун юқоридаги маъмурий иш Қувасой шаҳар маъмурий суди томонидан "Ҳувайдо" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

— Бир неча йиллар олдин хотиним вафот этганди. Кейинчалик қизларим ҳам турмушга чиқиб, ўзим ёлғиз қийналиб қолдим. Шунинг учун шаръий никоҳ ўқиб қўйишни мен илтимос қилгандим, — деди Э.Ҳакимов суд мажлисидаги ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади", кодекснинг 33-моддасида эса, "Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта, кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин" дея қайд этилган.

Бундан ташқари кодекснинг 22-моддасига биноан, маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик кўрсатмасида.

Шу боис суд ҳуқуқбузарга жазо тайинлашда унинг нафақа ёшида эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, юқоридаги модда санкциясида белгиланганидан ҳам камроқ, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида — 2.230.000 сўм жарима жазоси тайинлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилга олингани каби ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етишмаслиги, диний қарашларнинг нотўғри сингдирилиши, маҳалла ҳамда жамоатчиликнинг бефарқлиги, жойларда маънавий-маърифий ишлар қониқарли даражада амалга оширилмагани, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланмагани туфайли юзага келади. Шундай экан, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ва ҳокимият ходимлари, балки ота-оналар, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, жамоатчилик вакиллари ҳам оила масаласига янада жиддий масъулият билан ёндашиши, ўз ҳудудларида назоратни сусайтирмаслиги шарт.

Мақоламиз сўнгида яна бир мулоҳаза: башарти, маҳалла фаоллари Э.Ҳакимовнинг хотини вафот этганлигини инобатга олиб, ушбу никоҳни тегишли тартибда расмийлаштирганда бундай нохуш ҳолат юзага келмаган бўларди. Ҳар қандай сабаб ўзига яраша оқибатни келтириб чиқаради. Бинобарин, маҳаллада, қўни-қўшни хонадонларида ташкил этилаётган ҳар қандай йиғинни бамаслаҳат ва қонуний асосда ўтказишга жамиятимизда барча ҳуқуқий асослар борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Маҳкамжон АБДУБАННАБОВ,
Қувасой шаҳар маъмурий судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Жиноятга жазо муқаррар

ёхуд йўргак кўрмаган чақалоқ

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Ўша куни ярим тунда ташқарига чиққан Дилбар опа қизи Мадинанинг хонасидаги чироқ алламаҳалгача ўчмаганидан хавотирга тушди. Хона эшигини аста очиб бўйласа, не кўз билан кўрсинки, бундаги нохуш манзара уни тамом карахт ҳолга солиб қўйди.

Мадина тўшакда инграганича ётар, ёнида эса, чақалоғи биғиллаган кўйи типирчиларди.

— Буни қаердан орттирдинг, беномус?! — деди Дилбар опа чақалоққа ишора қилиб. — Отанг билиб қолса, энди сени ўлдириб қўяди-ку, бизларни иснодга қолдирдинг, ярамас! — дея қизини ёзғира бошлади.

Она чақалоқнинг отаси кимлигини қанчалик сўраб-тергамасин, қизидан аниқ жавоб ололмади. Шундан сўнг онанинг кўнглида чақиндай шум ният ўрлай бошлади.

Вақтни бой бермасдан, қандай бўлмасин, чақалоқни йўқотишим керак, деган қалтис ўй онг-шуурини бутунлай банд этиб олди.

У бир чоғ қизини ювиниб келиш баҳонасида ташқарига чиқариб юборди. Пайтдан фойдаланиб, ҳеч кимга сездирмасдан, чақалоқни халатига ўраган кўйи Пўлоти ариғи томон йўл олди...

Узоқ давом этган суриштирув мобайнида Дилбар Нормуродова ўз набирасининг қотили экани фош этилди.

Суд ҳайъати мазкур жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, норасида чақалоқнинг умрига зомин бўлган Д.Нормуродовани Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан муайян муддатга қамоқ жазосига ҳукм этди.

Ёшлик — инсон умрининг гўзал ва беғубор фасли. Таассуфки, баъзида бу бебаҳо дамларнинг қадрига етмай, уни ҳавога совураётган, ўткинчи ҳою-ҳавасга, оний ҳис-туйғуларга, эҳтиросларга алданиб, ўз келажагини барбод қилаётган йигит-қизларнинг учраётгани ғоят ачинарлидир.

Мадина ҳам ҳаётга енгил қараб, шу ўткинчи ҳиссиётнинг қурбонига айланди. Қолаверса, унинг онаси ҳам она, аёл деган муқаддас номни мутлақо унутиб қўйиб, содир бўлган воқеаларга нисбатан оқилона иш тутиш ўрнига ўзи англамаган ҳолда, қалтис йўлни, яъни жиноят йўлини танлади. Энди эса, ўз қилмишлари жабрини тортадиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, одам боласи — она табиатнинг мўъжизаси. Уни яхши парвариш қилган — барака, унга жабр етказган эса, завол топади. Унинг худо берган умрига зомин бўлган кимса кечирилмас гуноҳ орттиради. Бу мудҳиш хатони бошқа ҳеч ким такрорламасин, деб ният қиламиз. Ҳаммани яхшиликдан айирмасин.

Ҳомид БОБОҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-323. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10508
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23³⁰. Топширилди: 2³⁰.